
“ЯШИЛ МАКОН” УМУММИЛЛИЙ ЛОЙИҲАСИ ДОИРАСИДА ЎЗБЕКИСТОН ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ ОЛДИДА “ВИЛОЯТ, ШАҲАР ВА ТУМАНЛАР СЕКТОР РАҲБАРЛАРИНИНГ БОҒИ” ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров вилоят секторлари раҳбарлари, шаҳар ва туманлар ҳокимлари ва секторлари раҳбарлари ҳамроҳлигида Ўзбекистон туманида ижтимоий-иқтисодий соҳалаларда амалга оширилаётган ишлар билан танишиш жараёнида туман ҳоқимлигида ҳам бўлди.

Яқинда мукамал таъмирланган ҳоқимлик биноси, унда ишчи-ходимлар учун яратилган муносиб шароитлар кўздан кечирилди.

Шунингдек, ҳоқимлик биноси ёнида енгил конструкцияли лойиҳа асосида бунёд этилган ахборот кутубхона маркази фаолияти билан танишилди. Қайд этилишича, кутубхона айна пайтда 36 мингдан зиёд бадий, ижтимоий-сиёсий, ўзбек ва жаҳон адабиёти ҳамда болалар учун турли хил китоблардан иборат адабиётлар билан таъминланган. Йигирмага яқин мутахассислар фаолият олиб бораётган зиё масканида 1500 дан зиёд адабиётларнинг электрон нусҳаси ҳам шакллантирилган.

Жараёнлар давомида ҳоқимлик ташқи ҳовлисида вилоят, шаҳар ва туманлар сектор раҳбарлари иштирокида дарахт экиш тадбири бўлиб ўтди. Ҳар бир сектор раҳбарлари она ер бағрига эзгу ният билан манзарали кўчатлар ўтқазишди.

Ўзбекистон тумани ҳоқими томонидан ички имкониятлардан тўғри ва самарали фойдаланилиши натижасида амалга оширилган ишларни юқори баҳолаган вилоят раҳбари, ҳар бир шаҳар ва туман ҳоқими ўз ҳудудида ободонлаштириш ишларини кўламини кенгайтириш, кутубхоналарни кўпайтириш ва мавжудларининг китоб фондини бойитиш бўйича кўрсатмалар берди.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг [Facebook](#), [Telegram](#), [Facebook](#), [YouTube](#), [Instagram](#)

2023-11-13 11:53:29